



«Жомеъ ут-таворих» («Солномалар мажмуаси») комусий олим Рашидиддин Фазлуллох ибн Имомуддавла Абулхайр томонидан 1302—1311 йилларда ёзилган. Уч қисмдан иборат. Биринчи қисми («Тарихи Ғозоний»)да турк-мўғул халқларининг Чингизхонгача бўлган тарихи, Чингизхон тузган йирик феодал давлат, Чингизхоннинг юришлари, унга қарам бўлган мамлакатлар тарихи, XII—XIII асрларда Шимоли-Шарқий Осиёда кўчиб юрган турк ва мўғул қабилаларининг қелиб чиқиши ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни кенг шарҳланиб, Ғозонхон (1295—1304) ўтказган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар батафсил ёритилган. Асарнинг иккинчи қисми Султон Улжойтухон (1304—1317) нинг топшириги билан элхонийлар саройида истикомат қилиб турган чет эллик олимлар (кашмирлик бахши Камалашри, хитойлик олим Ли Да-чжи, франциялик бир монах, иккита форс олими ва х. к.) иштирокида ёзилган. Асарда мўғул истилосига қадар мусулмон оламининг тарихи, шунингдек яҳудийлар, Оврупо, Византия, Рим, Хитой ва Хиндистон тарихи баён этилган. Учинчи қисм жўгрофий асар бўлиб, «Етти иқлим», яъни оламнинг инсон истикомат қилиб турган тўртдан бир қисми тавсифига бағишланган. Бу қисм бизгача етиб келмаган.

Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих» асари Шарк ва Ғарб олимларининг эътиборини қўйдан бери жалб этиб келяпти. XV асрда Эроннинг йирик тарихчиларидан бири «Жомеъ ут-таворих»нинг давомини ёзиб, Эрон тарихини 1371 йилгача давом эттирган. Хофиз Абрунинг бу асари «Зайли жомеъ ут-таворих» («Жомеъ ут-таворих»га қўшимча») номи билан машхур.

Асар 1937—1938 йиллари проф. Хонбобо Баёний томонидаи Техронда нашр этилган. Асарнинг биринчи қисми, яъни «Тарихи Ғозоний» француз шарқшунос олимлари М. Катрмер (1816) Э. Блоше (1911) ва чех олими К. Ян (1941) томонидан чоп этилган. Рус шарқшуноси И. Н. Берёзин «Тарихи Ғозоний»ни изчил ўрганди ва унинг форсча матни билан русча таржимасини нашр эттирди (1858, 1868, 1888). «Жомеъ ут-таворих» рус шарқшунос олимларидан А. А. Ромаскевич, Е. Э. Бертельс, Л. А. Хе-тагуров, А. А. Алнзода, А. К. Арендслар тарафидан, русча изоҳи билан 1968 йилда Москвада нашр қилинди.